

Уйғоқди мадания, замуну замоқ, Наврўздақ забў орсун ҳар бир хоқабдоқ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

РҶНОМА 1928 ИИ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҰМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 21 март • пайшанба •
№ 56 (10.052). Баҳоси 6 тийин.



АЗИЗ ДҮСТЛАР, ЮРТДОШЛАР!

Қадимий ва навқирон шарқ халқлари учун табаррук ва мўътабар бўлиш Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман ва қўтлайман.

Наврўз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, гўзаллигининг очилиши демакдир.

Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орау-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган кун.

Рамазон аслада кунт билан покланишдир.

Бу йил Наврўз шу вақтга тўғри келиб қолиши гўё табиатимизнинг ажойиб доволигини кўрсатгандай. Чунки Наврўз ҳам одамзод туйғуларининг, ниятларининг тозаланиши, покланишидир.

Халқимиз буюк Наврўз айёмининг бир-биримизга энг пок, энг тоза ниятларимизни билдирадиган, кўнгилни кўтарадиган, муҳаббат ва садоқатимизни аямайдиган байрам деб билади.

Келинг дўстлар, кимда қандай гина-аламлар бўлмасин

уинтайлик, шафқат ва меҳрибонлик кўрсатайлик, ким қайси миллат-элат вакили бўлмасин орамизда аҳиллик ва ҳамжихатлик мустаҳкамдан.

Шоир айтганидек, «меҳрингиз кеңг очсанг, дўст бўлур бегона ҳам».

Наврўз мана шундай олийжаноб интилишларни, туйғуларни, бошимизни бирлаштиришга, қовуштиришга чорлайди ва даъват этади.

Азиз дўстлар!

Бутун байрам дастурхонларимизда रिқ-насибалари бўлган, бизлардан ҳозир узоқда, олимпиада қон-қардошларимизни, юртдошларимизни, ватандошларимизни ҳам эслайлик.

Наврўз байрами юртимизга, халқимизга, ҳар қайси оиллага бахт-саодат, тинчлик, бардамлик, осоншталлик келтирсин.

Ҳаммангизга толе ва омад доим ёр бўлсин!

Ўзбекистон ССР Президенти

И. КАРИМОВ.

ЭШИТГАНЛАР ОШИҚИНГЛАР, бутун НАВРҶЗИ айём таровати таралаётган кунда азим шаҳримизнинг майдоғу хиёбонларига халқ сайилари бўлади. Эрта билан соат 11 да Ленин номидаги майдонда Наврўз байрамнинг тантанали очилиши ва театрлаштирилган томошасига келинганг. Бунда сиз Наврўз бай-

ОДАМЛАРУ ОДАМЛАР!
ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

рами билан боғлиқ афсонавий халқ қаҳрамонлари — ГҶЛ, НАВРҶЗ, БАҶОРОЙ, ДЕҶҶОН боболар билан учрашасиз. ХАЛҚЛАР ДҶСТЛИГИ, ХАДРА, АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги театр майдонларида, КАРЛ МАРКС кўчасида бўладиган сайилларда қўшиқчи-

Собит Асомовлар хизматинида бўлишди. ХАЛҚ САЙЛИГА МАРҶАМАТ, АЗИЗ ХАМШАҶАРЛАР!

раққосалар, масқарабозлар, қизқичлар, дорбозлар, полвонлар кайфиятигини хушнуд этади, ошпазу пазадалар дастурхонларини баҳор таомлари — сумалак, ҳалим, кўк сомса, турли-туман пишириқ ва ширинликлар билан безайдилар.

СССР халқ артистлари Зикир Муҳаммадҷонов, Обид Тошканбоев, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Еқуб Аҳмедов, Ҷулмҷон Еқубов, таниқли хонандалар — Фаҳриддин Умаров, Орғиң Отаҷонов, Ҷоҷибар Ҷамидов, қизқичлар — Обид ва



Наврўз-на кутлаймиз кечса-ю ёшди!



АЛЛАДАН КЕЛИН САЛОМГАЧА

ТОШКЕНТДАГИ Горький номи маданият ва ислоҳот борида пойтахт вилояти маҳаллий сановат ва коммунал хўжалиги, маҳаллий хизмат кўрсатиш корхоналари ишчилари насаба уюшмаси Наврўзга бағишланган катта тантана ўтказди.

Кечани Ўзбекистон халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг соҳиби Ёқуб Аҳмедов табрик сўзи билан бошлаб, бошқариб борди. Урта Осиё ва Қозоғистон кўмухиритлари диний наъзориёт бошқармаси номидан Абдулмажид Мусабоев сўзга чиқди. «Ранат» масжидининг имом-хатиби Абдуллажон Ҳамдам Угли «Қуръондан тиловат ўқиб, Инжилданлари кутлади. Янгийул шаҳар «Феруза» қизлар уйи хизматчили-

ридан Ш. Ҳожимухамедова, Р. Сирожиддинова ва бошқалар халқимизнинг миллий урф-одатларидан «Келинсалом», «Алла» ижро этишди.

Аскарларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон ота-оналар кўмитасининг раиси, олимпиа М. Аҳмедова табрик сўзлади. «Наврўз», «Шарқ гули», «Коммунал» қўшиқ ва рақс дасталари тантанана янада фойз киритдилар. Инжиланларга палов, холвайтар, сумалак каби Наврўз таомлари тортинди. Байрамда кўмухирит, вилоят ва шаҳар миқёсидан кўнлаб ташкилот мутасаддилари ҳам иштирок этишди.

Д. САЙДОВ.
СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар. Сурагаш: Д. АҲМАД.

Бу файзли хонадонга мени «Қизил дехқон» маҳалласи кўмитасининг раиси, эл орасида ҳурмат топган аjoyиб инсон Нурмухаммад Абзалов бошлаб борди. Кўк дарвоза ичкаридан ёпиқ эди. У кўнги-роқ тутмасини босди-да, кимдир чиқишини ҳам кутмай баланд овоз билан «Мишахўжака, хо Мишахўжака» деб чақирди. Орадан бир зум ҳам ўтмай ўрта буй, малла ранг сочили, сарғиш чехрали ёш йигит эшикни очди.

— Ассалому алайкум, келинлар, — деди у.

— Валя опа уйдадилар? — сўради менинг ҳамроҳим.

— Ойим ҳам, дадам ҳам уйдилар. Марҳамат, кириверинлар.

Ўзбек тилида мутлақо соф гапирётган бу йигитнинг мулозиматларини кўриб, кўмита раисининг йўлда «Валя опаларнинг бутунлай туриш-турмуши ўзбекиона. Урф-одатлари ҳам, яшаш тарзи ҳам. Ун фарзандигина эмас, ун саккиз нафар набирасининг ҳаммаси ҳам ўзбек тилида бемалол сўзлашадилар. Ўғил-қизлари эса ўрта мактабни ўзбекча битиришган», деган сўзларини эсладим.

— Маҳаллада ҳаммамиз Валя опа деб ўрганганимиз, — деди раис. — Асли исми шари Валя Валентина Карповна. Очигини айтсам, булар яшайдиган кўчада хўжалар кўп бўлганлиги учун, на тўйдан, на таъзиядан қолмайдиган бу кишини кўшиқлари Мишахўжака деб чақиритишга ўрганиб кетишган. Ўзи ҳам бундан хурсанд.

Бизни Валентина Карпов-

Худди ўзбек дейсиз, бизни

на ва Мишахўжакалар хушнудлик билан кутиб олдилар. Бутун оилага ўзбек урф-одатларини сингдирган Валентина Карпованинг ўтмиши билан қизиқдим.

У Ставрополь ўлкасида туғилган. Ота-онаси 1933 йилда Тошкентга кўчиб келганида беш ёшда экан. Дастлаб Чорсуда яшашибди. Ўзбек маҳалласида истиқомат қилгани учун теъда бутун оила маҳаллий тилга ўраниб олинди. Валя ўрдадаги комсомол интернационал мактабда етти синфини тугаллаб, бухгалтерлик курсида ўқитди. Кейин уни ўша вақтдаги Калинин районининг «Қизил дехқон» колхозига ишга йўллашди.

— Бу хўжаликка келиб ўзбекларнинг бағри очилди, инсонпарварлигини, ҳаммадан кўпроқ ҳис этдим, — дейди Валентина Карповна. — Уларнинг меҳридан ҳаммаша баҳраманд бўлдим. Колхоз фермасида ишлайдиган худо раҳмат қилгур, Жалил ака Тўлаганов булардилар. Шу киши менга: «Қизим, саккиз фарзандим бор, сен тўққизинчисан. Бизникида тураюқ. Боримизни баҳам кўриб ҳаёт кечираверамиз», дедилар. Умр йўлдошлари Замира хола ҳам ойнақўнғиллик билан мени бағрларига



олдилар. Уруш бошланган оғир йиллар эди ўшанда. Шу оилда фарзанддек бўлиб қолдим.

Валентина бу хонадонда яшаб, колхоз идорасида бухгалтер бўлиб ишлади. Кейин у фронтдан ногирон бўлиб қайтган Михаил Петровичга турмушга беришди. Жалил ака, Асомиддинхўжа, Усмои, Носир, Эргаш авалар ва Попук опа бош бўлиб ёш оилани бошлангич ҳам қилиб қўйишди. Кейинчалик бу оиллага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўп йиллар хўжаликка раислик қилган Турғун Мирзаев катта гамхўрлик кўрсатди. Шу тариқа бухгалтер ва мактабнинг ҳарбий таълим ўқитувчиси хонадони аста-секин оёққа туриб борди. Бу оилда ун фарзанд воғта етди. Бир-бирларидан одобли, меҳнатнаш йигит-қизлар уйли-жойли, оилали бўлиб, ота-оналари ёнига

кирдилар. Валентина Карповна ўз фарзандларига ўзбек урф-одатлари, удумлирини сингдирди. Уларни ўзбек тилини севиб ўрганишга ундади.

— Ҳар ҳайитда, Наврўзда Жалил ака ва менга меҳрибонлик кўрсатган бошқа кишиларнинг қабрларини зиёрат қиламан, — дейди 72-баҳорини қаршилаётган бу онахон. — Худого шукур, маҳалла билан ҳаммаша тутувимиз. Хонадонимизга тўрт марта катта қозон кирди. Ҳар сафар элга ош берганимизда, кўнглим тоғдек кўтарилади. Вақтин-вақтин билан йигити ҳам қилиб турамин. Ўғил-қизларимга одам бор жойга одам келадди болаларини, қўлларини очиб бўлиб леб доймо насихат қиламан.

Элли эъвозлаган Ўзи ҳам қадр тошар экан. Валентина Карповналар хонадонини ҳам пойтахтимизнинг Киров районидаги «Қизил дехқон» маҳалласида ҳаммаша эътиборда. Ҳар йили бу оила маҳалладаги Наврўз сайиларида фаол қатнашади. Ўтган йили онахон байрамни очиб олдиран маҳалла кишиларини таъриқлади. «Давратизда бизлар ҳам боримиз, Наврўз ҳаммамизнинг айёми-миз», — деди у. Оиласининг бу даражага етганидан хурсанд бўлиб гапирганида, ўтмишини эслаганида айрим кексаларнинг кўзларида ёш қалқиди.

Бу йил ҳам бу катта хонадон Наврўз сайида иштирок этмоқда. Онахоннинг биралари шеърлар ўқиб беришади. Маҳалладаги қозлаб шодон кишилар қаторида шу ерда туб қўйиб палак ёзган Мишахўжака ва Валентина Карповналар узукка кўз қўйгандек катта байрамимизга ярашиб тушадилар.

С. ҚАСАНОВ.

ОДАМЛАРУ ОДАМЛАР, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАРИ!

Ҳарчилар жар солапти: эпчил мухбирларимиз вилоятимизнинг ҳамма чеккасида Наврўз хўшабарларини етказишяпти. «А» дан «Я» гача — Ангрендан Янгийулгача ҳамма-ҳамма шаҳару қишлоқлар, району посёлкаларда бир янгилик, қувончли хабар... Мана улардан айримларига қўлақ тутиш.

● Вилоят ижроия кўмитаси умумий овқатланш бошқармаси 8 тоннаю 600 кило бугдой тарқатди. Ана шу бугдойдан 150 минг кишилик сумалак, 60 минг кишилик ҳалим пиширлиб элга тортилай деб турибди.

● Ердам талаб оилалар, етим-есирларнинг боши сийланмоқда. Болалар жағармасининг вилоят бўлими уларга 100 минг сўм инъом этди.

● Сигирли уй — барқали уй. Кўп болалар оилаларга соғин сингилар тарқатишмоқда. Иккироқлар бундай оилаларни хат қилишди. Паркентнинг ўзида ўнга оила молли бўлди.

● Оҳангаронлик Тожиновлар етимлардан беш нафарини ўзининг иссиқ бағрига олди. Бу оила кенгайиб, ундаги қоракўлар ўн нафарга етди.

● Бўстонлиқлик Саҳий қалбли аёл Кимёхон Юсуповага балли У онаси қолган 12 фарзандга ҳам меҳрибон оила қилиб бошлади. Ҳақиқий ўзбек деб шунини айтдилар!

● Бугун «Қибрай» Уйингоҳига келсангиз янгиликларингиз. Томоша катта. Бепул патта. Сайрамлик дорбозлар, қўғирчоқ Уйнатувчилар ҳунарини кўрсатиш қозонча айтисуларда қатнашасиз.

● Паркент — полволлар маскани. Ота-боболаридек кифти ерга тегмаган ёшлар билан бирга чапдаст наррат, ушунга устларнинг аломат томошаларини кўрмоқчи бўлсангиз шу томонга келинг.

● Оҳангаронда нима кўп — от кўп. Демак, чавандозлар ҳам шу ерда. Улоқ кимда кетаркин? Серго ноили сохвот ҳақиқий чавандозини аниқлаб беради. Янгийулбода ҳам улоқча катта соврини қўйилган...



ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ НАВРЎЗ БАЙРАМИ АРАФИДА ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИ БУЛМАГАН ЕНИЛРОҚ ЖИНОТЛАРИ УЧУН ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ХУКМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИ АВО ЭТИШ Тўғрисида ФАРМОНЛАР ЧИҚАРДИ. ҚўНИНДА АНА ШУ ФАРМОНЛАР ШАРҲЛАНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «НАВРЎЗ» ШАРАФИГА АВО ЭТИШ Тўғрисидаги ФАРМОНИГА ШАРҲ

Наврўз барча халқларни, 1991 йил 6 мартдаги, 1991 йил 9 мартдаги, 1991 йил 20 мартдаги фармонларини тасдиқлади. Шу фармонлар асосида жамият учун унча хавфли бўлмаган енилроқ жиноят содир этган ҳамда тўғри йўлга тушиб олган мингта яқин киши афв этилди. Афв этиш чоғида катта ёшдаги шахсларга, ҳомиладор аёлларга, шунингдек аёллар ва балогатта етмаганларга алоҳида эътибор берилди. Маскув тоифадаги кишиларнинг муайян қисми бундан буюн жазони ўташдан бутунлай озод қилинади, баъзиларига нисбатан жазо тури ўзгартирилиб озодликдан маҳрум этиш ўрнига меҳнатта мажбуран жазо этиш йўли билан жазони ўташ жойидан шартли озод қилинди, қолган қисмининг жазо муддатлари қисқартрилди.

Мажкур афв этиш тадбирлари ўт қўйишларда, қирғинларда, талончиликда, кишиларнинг ҳаётига суиқасд қилишда, пора олишда, қвартираларга тушиб мол-мулкни ўғирлашда ва бошқа оғир жиноятларда қатнашган кишиларга нисбатан қўлланилмайди.

Афв этилганлар орасида кўпгина миллитларнинг вакиллари: ўзбеклар, руслар, қирғизлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, арманлар, татарлар, яҳудийлар ва бошқа миллитга мансуб кишилар бор.

Шубҳа йўқки, бу инсонпарварлик тадбири афв этилганларнинг оилалари ва қариндош-уруғларига хурсандчилик келтирди, ўз аҳамияти билан наврўзнинг бойидаги беэзагадлик, намятиимизнинг маънавий-руҳий ҳолатига ҳаёбахш таъсир ўтказди ва халқ бу тадбирни мамнуният билан қутиб олди.

1991 йил 22 февралдаги;

Телемарафон. Бу сўз тилимизда қўлланиётганига унча кўп бўлгани йўқ. Аввал Марказий телевидение Чернобуль фонкисига бағишлаб узулкисиз кўрсатув тайёрлаганида авариа оқибатларини кўриб даҳшатга тушган эдик. Орадан ҳеч қачон ўтмай, Ўзбекистон телевидениеси Наврўзга бағишлаб телемарафон уюштирганида ҳам кўпгина халқноили нерселардан воқиф бўлдик. Биз ён атрофимизда кичкайлаб одамлар меҳр-шафқатга эришди, уларни пайғамбарий шайтаннинг икродор бўлдик. Хали андиқонлик болмак, Ойбек, ҳозирда салмақандлик қичча Музаамнинг мунис нигоҳлари кўз олдимиздан кетганича йўқ.

Мана, бугун яна телемарафон, «Ойна жаҳон» яна бир

НАВРЎЗ ЖАМҒАРМАСИГА САВОБДАН ЧЕТДА ҚОЛМАНГ

Калинин районидagi Навой номи хўжалигида бўлганимизда уллар жамғармага беш минг сўм ўтказмоқчи эканликларини билдирган эдилар. Бугун вилоят миқёсидега гапирсам, билишимча бу сафар тошкентликларнинг сиймоги камроқ, ўтган йили Тошкент вилояти бизга катта ёрдам берган эди. Бироқ буни ҳам кеч эмас. Балки бугун — кун давомида вилоят ахли фаол иштирок этар. Ҳар ҳолда шунга умид қиламиз.

— Телемарафонда нималарни кўрамиз!

— Уттиз соватлик кўрсатув

ланган эди. Термиздан йўлга чиққан спортчилар бугун Тошкентга кириб келишади. Кўрсатув давомида биз уллар билан бир неча маротаба уланамиз.

Телемарафонинг бу галги рамзий белгиси... поезддир. «Ўзбекистон комсомол» ташкилот поезди Наврўз арафасида турли вилоятларда бўлди. Бу сафар ун жойларда меҳр-муруват поезди сифатида кутиб олинди. Элга таллаш ширини Абдулла Ориповнинг туғилган кунини Наврўзга тўғри келган экан. Марафонда шу ҳақда ҳам лавҳа бор.

Фурсатдан фойдаланиб мен ижодий гурӯҳимиз номидан вилоят ахлига мурожаат қилмоқчи эдим. Савобдан четда қолманг. Наврўз жамғармаси ҳисоб номерини эслайтиш ўтаман: 005700007, коди 73427. Тошкент шаҳар ижтимоий турар жой банк.

ЙЎҚЛОВ

НАВРЎЗ қанчалик қадимий, ўз бағрига халқларнинг ҳар хил урф-одатлари, расм-русумларини жо қилган бўлмасин, у шунчалик нақирондир.

— Биз районимиз худудида иқтисодий аҳоли ночор, ёлғиз, қовчуқисини йўқ оилалар соҳини аниқлаб, ҳисобга оламиз, — деди район ижтимоийтаъминот бўлими мудири О. Умаров. — Бундай оилалар ҳар бир қишлоқ советида бор. Мақсадимиз шундай кишиларни йўқлаб, Наврўз байрами билан қутлаб, кўнглини кўтариш. Бу билан оддий инсоний бурчимизни бажариш — одамларни меҳрли, шафқатли бўлишга чақиритиш. Ота-боболаримизнинг шунга ўқитиш эзути удумлирини кейинги авлод ҳам давом эттириши керак. Биз Наврўз кунини кўмакка муҳтож оилаларга 7 минг сўмлик совға-салом ва пул ёрдами кўрсатамиз.

Дарвоқе, Оқунбобоев қишлоқ Совети худудида 40 дан зиёд ёлғиз кишили оила истиқомат қилади. 18 март кунини ёрда меҳр-шафқат ошхонаси очилиб, унинг ихтиёрига 10 минг сўм пул ўтказилди. Ошхонада кексаларга кунини янги маҳал иссиқ овқат қилиб берила бошлади.

Х. СУЛАЙМОНОВ.
Ўрта Чирчиқ району.

МУРУВВАТДАН КИМЛАР БАҲРАМАНД

СОВЕТ БОЛАЛАР ФОНДИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ:

● БОЛАЛАР уйларида, колонияларда сумалак пишириш, турли совға-саломлар улашиш учун зарур шайлар акратилди. Вилоятдаги болалар уйларидаги ҳар бир етим боланинг жамғармасига 50 сўмдан пул ўтказиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

● РАЙОНЛАРДАГИ кам даромадли: кўп болали ва ёлғиз оналарга ёрдам бериш мақсадида акратилган 10 минг сўм махсус ҳайрия автобусида юриб тарқатилди.

РЕСПУБЛИКА ҚИЗИЛ ЯРИМ ОИ ЖАМИЯТИ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ:

● БЎСТОНЛИҚ районидега ёлғиз қарияларни йнгиб, меҳмон қилинди. Уларга концерт кўрсатилди. Бир-бирига қўнғил қўйган икки кексангиз боши қовуштириб қўйилди. Комитет ходимлари қарияларни меҳмон қилиш тадбирини барча шаҳар ва районларда ўтказиётдилар.

ВИЛОЯТ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ:

● «ҲЕЧ КИМ УНУТИЛМАЙДИ, ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ» ширини остида бўлим вилоятдаги барча ёлғиз фуқаролар, Улуғ Ватан уруши ногиронларини йўқлади. Бунинг учун вилоят ижроия кўмитаси 60 минг сўм пул ажратиб берди.

● ОЛМАЛИҚДА ўтказилган ҳайрия марафонидан тушган 80 минг сўм ҳисобидан ижтимоий жиҳатдан муҳтофазга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатилди.

● АНГРЕНДА ўтказилган ҳайрия тадбирида шу шаҳарда истиқомат қилувчи Зухриддин Недоев ўз ҳисобидан Оҳангарондаги кексалар интернатини аъзоларини бир кун бепул овқатлантиришни зиммасига олди.

СОВЕТ МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК ФОНДИ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ:

● БЎЛИМ Паркент району ижроия кўмитасига 10 минг сўм ўтказди.

● БУКА умумий овқатланш тармоғига ўтказилган 6 минг 200 сўм эса ногиронлар, ёлғиз қарияларни бепул овқатлантиришга сарфланади.

● «МОЗАИКА» дастаси Чирчиқ шаҳридаги 14-болалар уйда концерт кўрсатади. Унинг ҳаражатларини фондининг хўжалик ҳисобидан қорхоналари тўлайдилар.



«ГУЛИСТОН» ресторани ходимлари Наврўз байрамини шоду-хуррамлик билан кутиб олдилар. Улар узулкисиз кўрсатилган Наврўз ҳайрия телемарафонига минг сўм пул ўтказдилар. Ресторан хизматчилари байрам кунини Халда майдонда ўтказилган халқ сайида шаҳар меҳнатнашларига хизмат қилишади. СУРАТЛАРДА: ресторанда бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан лавҳалар. Сурагаш В. ТўРАЕВ.

ХАЛҚ ҚҶШИҚЛАРИ

СУМАЛАК

Сумалакжон, сумалак, Мен сента жоним ҳалак. Сумалак—қадим оватк. Уни ишириб бериш...

Ё, РАМАЗОН...

Рамазон айтиб келдик Эштингизга. Худоним ўнл берсин Бештингизга. Шу уйга қут-барак...

ЛАЙЛАК КЕЛДИ

«Тақир-туқур, так-так» «Тақир-туқур, так-так» Шолпога келди лайлак...

М. МУРОДОВ.



БАЙНАЛМИЛАЛ БАЙРАМ

ЧИРЧИҚ шаҳрининг меҳнаткашлари ҳам Наврўз байрамига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўрдилар.

НАВРЎЗГА тайёргарлик ишларига уни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий кўмиталар бош-қош бўлишмоқда.

Шаҳарда Наврўзнинг нишонлаш бошланиб кетди. Айрим маҳаллалар, мактабларда, ўрта махсус ўқув юртиларида...

Шаҳар бўйича байрам 21 март кунини ўтказилади. Истироҳат ва дам олиш беришда кўндаланган умумшаҳар сайилари мазмуни...

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

Кузатишимча, март ойини кўччилик яхши қўради. Аввало, энг секинли — баҳор фасли шу ойдан бошланади.

МАНА, ИККИ ЙИЛДИКИ, ТУРЛИ САБАБЛАР БИЛАН УНУТ БЎЛИБ КЕТГАН НАВРЎЗ БАЙРАМИ, ЯНГИ ЙИЛНИНГ БОШЛАНИШ КУНИ — 21 март яна қаддини ростилади.

НАВРЎЗ ФОНДИ УЧУН Районда дастлаб Наврўз фонди ташкил қилинди.

ФАХРИЙЛАР УНУТИЛМАЙДИ Айни кунда қўрғон ва қишлоқ Советлари байрам тантаналари ўтказиладиган жойларни тозалаш, безаш, саҳналар ўрнатилган ишлари билан машғуллар.



Халқ куй ва қўшиқларини маромда ижро этувчи бу онахонлар Бекобод районидан 18 мартда бўлиб ўтган Наврўз байрамига ўзига фаиз киритдилар. Суратда: Ойбек номидаги давлат ҳўжалигининг фольклор ансамбли қатнашчилари. Сураткаш В. САҒАРОВ.



ДАРҲАҚИҚАТ ШУНДАЙ. У ким бўлишидан қатъий назар...

У ҳам бўлса ногиронлар, муҳтожлар, боқувчисиз қолган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон улаштириш...

БАРЧАГА БАРОБАР

Кеча бошланиши олдида болалар фонди вилоят бўлими раисаси М. Солиқова билан суҳбатлашиб қолдик.

рамол билан ташминланди. Шунингдек ногирон болаларга ҳар бири 500 сўмлик аравача олиб берилади.

Хў, бу ёрдаги тўрт юзга яқин ёшлар (жиноятчилар дейишга тилим бормайди) ҳам имидандир умиддор, кунгли эса ярим! Уларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериш керак.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИЙ

БОБОКАЛОНЛАРИМИЗНИНГ пурмаъно нақл бор: «Саҳоват бобинда она-заминга бас келадиган нараса йўқдир.

тез ҳазм бўлади. Сирка билан қўшиб иштилатиша, иштани нарнай қилади. Унинг яна бир ҳосияти шундаки, сутчўп сариқ касаллигининг кушандасидир.

Ковул бамисоли тарвуз палатига ўхшаб, ер бағирлаб ўсади. Полярнинг узунлиги баъзан икки арим-уч метрга гача етади.

ДАВРАГА ФАЙЗ ҚЎШДИЛАР Қирқ асрлик тарихга эга бўлган байрамимизни Чиноз район «Қизил Октябрь» жамоа ҳўжалиги аҳолиси ҳам нишонлади.

КўП ЯХШИ, — деди Ғулмоқдор ота Умаров, — менин бутун умрим деярли тоғ ён бағрида.

«Тошкент ҳақиқатининг навбатдаги сони 23 мартда чиқади».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА 2-3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА УСТА ОЛИМ КОМИЛОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН «3 А Р Б-91» БУТУНИТТИҒОҚ ДОИРАЧИЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ҲАМДА АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР! КОНЦЕРТ, ПРОГРАММАСИНИ КЎРИШГА ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ ҚАТНАШАДИЛАР:

ДИҚҚАТ! Хорижий сайру сабаҳат бўйича СССР Давлат комитетининг Тошкент бўлиминга қарашли «СРЕДАЗИНТУРИСТСПЕЦРЕСТРОЙ» фирмаси «САҒАЛ» ҳўжалик ҳисобиди таъмирлаш-бардорли қурилиш участкаси тўзилмасининг ТУГАТИЛГАНЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ